

## Имтиҳондан олдинги дуолар



17:59 / 31.07.2017 112261

### **Савол:**

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, мен 3 хафтадан кейин имтиҳон топшираман. Бу ҳаётимдаги энг муҳим жараёнлардан бири. Шу сабабли динимизда имтиҳондан олдин қилинадиган дуо ёки ибодатлар борми? Жавоб учун олдиндан раҳмат.

### **"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:**

Ва алайкум ассалом!

Бу борада суннатда муайян белгилаб берилган дуолар келмаган. Сиз ҳадисларда хабари келган дуолар ижобат бўладиган вақтларда пешонани

саждага қўйиб чин дилдан сўранг.

لَا أَقْمَلَسُوهُ وَيَلْعَلُ لَلَّيْ صَيَّبَنَّ لَنَا نَعْنُ عُنُ لَلَّيْ صَرَّ رَءِيْرُهُ يَبْأَنْ ع  
يَقْبَبِي نِيْحَ أَيُّنْدَلْءِ أَمَّسَلْءِ لَلَّيْ لُكَّ يَلْعَاقَتْ وَكَرَبَاتِ أَنْبَرُ لِرْزَنْي  
يُنْجَسِي نَمُ هَلْ بَبِيْحَتْ سَأْفَ يَنْوَعْدِي نَمُ لُوقِي رُخَالِ لَلَّيْ لُثْلُتْ  
عَبَّ رَأَالِ هَاوْرُ هَلْ رَفَعْتُ سَي نَمُ هَلْ طَعْتُ أْفَ

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Роббимиз табарока ва таоло ҳар кечанинг охирги учдан бири қолганида дунё осмонига нозил бўлади ва:**

**«Ким Менга дуо қиладики, Мен уни қабул қилсам, ким Мендан сўрайдики, Мен унга берсам, ким Менга истиғфор айтадики, Мен уни мағфират қилсам», дейди», дедилар».**

Тўртовлари ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифдан таҳажжуд намозини кечанинг охирги учдан бирида ўқиш афзаллиги билинади. Чунки ўша пайтда Аллоҳ таоло дунё осмонига тажалли қилган ва дуо, сўров ва истиғфорларни тўсиқсиз қабул қилаётган бўлади. Албатта, бундай фазилатли вақтни таҳажжуд намози билан ўтказаетган банда ғоят улуғ мақомларга эришиши турган гап. У вақтда банданинг қилган дуоси Аллоҳ таоло томонидан дарҳол қабул бўлади, сўраган нарсаси берилади, гуноҳлари кечиради.

Шунинг учун бу амалга, яъни таҳажжуд намозини кечанинг охирги учдан бирида ўташга яна ҳам мустаҳкам бўлмоғимиз лозим.

لَا أَقْمَلَسُوهُ وَيَلْعَلُ لَلَّيْ صَيَّبَنَّ لَنَا نَعْنُ عُنُ لَلَّيْ صَرَّ رَءِيْرُهُ يَبْأَنْ ع  
لَلَّيْ لُثْلُتْ يَضْمَمِي نِيْحَ لَلَّيْ لُكَّ أَيُّنْدَلْءِ أَمَّسَلْءِ لَلَّيْ لُثْلُتْ  
بَبِيْحَتْ سَأْفَ يَنْوَعْدِي دَلْءِ أَدْ نَمُ لُكَلْمَلْءِ أَنْ لُكَلْمَلْءِ أَنْ لُوقِي فُ لُوَأَلْ  
هُلْ رَفَعْتُ سَي يَدَلْءِ أَدْ نَمُ هَلْ طَعْتُ أْفَ يَنْوَعْدِي دَلْءِ أَدْ نَمُ هَلْ  
نَمُ لُسْمَلْءِ وَ يَذْمُرْتَلْءِ أَوْ مَلْسَمُ هَاوْرُ رُجْفَلْءِ يَضْمَمِي يَتَّحَكُّ لَدَكْ لَارِي الْف  
رَمُ أَنْ مَ أَرْيَخَ هَلْ لَلَّيْ لُكَلْمَلْءِ أَمَّسَلْءِ لَلَّيْ لُثْلُتْ يَضْمَمِي  
لَلَّيْ لُكَلْمَلْءِ دَوُّ هَايْءِ هَاطْعُ أَلْءِ رُخَالِ أَوْ أَيُّنْدَلْءِ

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ ҳар кечаси туннинг аввалги учдан бири ўтганида дунё осмонига нозил бўлур ва:**

**«Мен подшоҳман! Мен подшоҳман! Менга дуо қиладиган борми, уни қабул қилай! Мендан сўрайдиган борми, унга берай! Менга истиғфор айтадиган борми, уни мағфират қилай!» дейди. Токи фажр ёришгунича шундай давом этади», дедилар».**

*Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.*

*Муслимнинг лафзида:*

**«Тунда бир соат бордир. Мусулмон одам Аллоҳдан дунё ва охира т ишидан яхшилик сўраган ҳолида мувофиқ келиб қолса, албатта, мазкур нарсани унга беради. Ҳар кеча шундай»**, дейилган.

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шариф ҳам олдинги ҳадисга жуда ўхшаб кетади. Шунинг учун Аллоҳнинг тавфиқи ила баъзи фарқли жойларини бир оз шарҳ қилишга уринамиз.

Бу ҳадисда Аллоҳ дунё осмонига кечанинг аввалги учдан бири ўтганида нозил бўлади, дейилмоқда. Бу аввалги ҳадисга хилоф эмас, балки нузул бўлишининг аввали кечанинг аввалги учдан бири ўтганига тўғри келади, деганидир.

Кечасидаги дуо қабул бўладиган соат эса тайинли маълум соат эмасдир.

Бу соат туннинг иккинчи ярмига тўғри келиши маълум, бошқаси номаълум. Шунинг учун бу соатни топиш учун ижтиҳод қилиш керак бўлади. Бу эса албатта, доимий равишда таҳажжуд намози ўқиш билан бўлади.

## **САЖДАДАГИ ДУО МУСТАЖОБ**

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ  
أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ  
أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ  
أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ  
أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Банданинг Роббисига энг яқин пайти у сажда қилганидадир. Бас, дуони кўпайтиринглар», дедилар».**

**Шарҳ:** Намоз банданинг ўз Роббиси билан яккама-якка муножотидир.

Намоз мўминнинг меърожидир, у банданинг Аллоҳнинг ҳузурини ўзини энг хор ва энг паст тутган ҳолидир.

Сажда эса намознинг бандалик энг равшан намоён бўлиб, хорлик ва зорлик зоҳир бўладиган жойидир. Банданинг зорлиги қанчалар ошса,

Аллоҳга шунчалар яқинлашади. Шунинг учун ҳам банд саждада

Роббисига энг яқин ҳолда бўлади. Роббисига яқин турганда сўрагани қабул бўлиши шундан. Шунинг учун ҳам саждада кўпроқ дуо қилиш керак.

Имом Муслим ва Аҳмадлар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Огоҳ бўлингким, мен рукуъда ва саждада турган ҳолимда Қуръон қироат қилишдан наҳйи қилиндим. Аммо рукуъда Аллоҳни улуғланглар, саждада эса дуо қилишга ижтиҳод қилинглар. Ижобат бўлиши аниқдир»**, деганлар.

مُهَلَّلَا؛ وَدُوخُ سِيْفِ لُوقِي نَاكَ مَلَسَوْهُ يَلَعُ هَلَلَا يَلَصُّ يَبْنَلَا نَأُ هَنْعَوُ  
أَمْهَآوَرُ. هَرْسَوُ هَتَيْنَالَعَوُ هَرْخَآوُ هَلَّوَأَوُ هَلَّجَوُ هَقْدُ! هَلَّكَ يَبْنَدِي لَرْفَعَا هَلَلَا  
دَوَادُ وَبَأَوُ مَلَسُمُ

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саждаларида :**

« هَرْسَوُ هَتَيْنَالَعَوُ هَرْخَآوُ هَلَّوَأَوُ هَلَّجَوُ هَقْدُ! هَلَّكَ يَبْنَدِي لَرْفَعَا هَلَلَا  
дер эдилар».

*Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Дуонинг маъноси:

«Аллоҳим, гуноҳимнинг кичигини ҳам, каттасини ҳам, аввалини ҳам,  
охирини ҳам, ошкорасини ҳам, махфийсини ҳам мағфират қилгин».

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصُّ هَلَلَا لُؤْسَرُ تَدَقَفُ! تَلَقَاقُ أَهْنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ هَشَائِعُ نَعُ  
هَيْمَدَقُنْ طَبَّ يَلَعُ يَدِي تَعَقَوْفُ هَتْسَمْتَلَفُ، شَارْفَلَا نَمَّ هَلَّيَلْ مَلَسَوُ  
نَمَّ كَاضْرَبُ دُوْعَا مُهَلَّلَا! لُوقِي وَهَوْنَا تَبْوَصُنَمْ أَمْهَوُ دَجَسَمَلَا يَفُ وَهَوُ  
كَيْلَعَاءَانَتْ يَصْحُأَلَا، كُنْ نَمَّ كَبُ دُوْعَاوُ، كَلَّتَبْ وَوُقُعُ نَمَّ كَلَّتَافْ أَعْمَبُو، كَلَّطَخَسُ  
يِرَاحُ بَلَلَا! أَلْ! هَسْمَحْلَا هَآوَرُ. كَسْفَنَ يَلَعُ تَيْنَنْتَا أَمْكَ تَنْنَا

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Бир кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрпада  
йўқотиб қўйдим. Изласам, қўлим оёқларининг остига тегди. У зот  
саждагоҳда эканлар, икки оёқлари тик турган экан. Ўзлари бўлса**

كُنْ نَمَّ كَبُ دُوْعَاوُ، كَلَّتَبْ وَوُقُعُ نَمَّ كَلَّتَافْ أَعْمَبُو، كَلَّطَخَسُ نَمَّ كَاضْرَبُ دُوْعَا مُهَلَّلَا  
كَسْفَنَ يَلَعُ تَيْنَنْتَا أَمْكَ تَنْنَا

**дер эдилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Дуонинг маъноси:

«Аллоҳим! Розилигинг ила ғазабингдан, офиятинг ила уқубатингдан паноҳ  
тилайман. Сен(инг Раҳматинг) ила Сен(инг уқубатинг)дан паноҳ тилайман.  
Сенга Сен Ўзингга сано айтганингдек сано айта олмайман.

Бу умматларга таълимдир.

Аввал айтганимиздек, саждада «Субҳана роббиял аъла» айтилади. Инсон  
нафл ва тунги таҳажжуд намозларининг саждасида хоҳлаганича дуо  
қилиши мумкин. Ушбу ҳадисларда келган дуоларни ёдлаб олса, яна ҳам  
яхши. (Ҳадис ва Ҳаёт китобидан).

Албатта тунги намозларни ўқишда қазоси бор одам ҳар куни 1 кунлик  
қазоларини ўқиши зарур. Бунинг учун тахминан 1 соат кифоя қилади.

Мабодо қазоларини ўқиб тугатса нафл ўқийди. Валлоҳу аълам!